

**2020 йил 26 октябрь кунин «Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион
ривожлантириш: янги молия архитектураси» мавзусида ташкил
қилинаётган халқаро онлайн илмий-амалий анжуманнинг илмий
тезисига қўйилган талаблар**

Илмий тезис анжуманнинг асосий мавзуларига мос келиши шарт. Тезислар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади. **Бир муаллиф битта тезис топшириш ҳуқуқига эга.**

Илмий тезис матни таҳрир қилинган ҳолда электрон шаклда қуйидаги шартлар асосида тайёрланиши лозим:

- юқоридан ва пастдан 2.0 см., чапдан 3.0 см., ўнгдан 1.5 см. жой қолдирилган ҳолда 1,0 интервалли қаторларда 12 кегел катталигида Times New Roman шрифтида 3 бетгача бўлган ҳажмда тайёрланиб расмийлаштирилади;

- тезисларнинг электрон варианты Windows 2003/2007 Microsoft Word дастурида Times New Roman шрифтида ёзилган ҳолда бўлиши керак. Жадвал ва графиклар MsExcel форматида; расм ва схемалар MsWord форматида (вставка/объект/расм MsWord); формулалар MsEquation муҳарририда бўлиши талаб этилади;

- тезис мавзуси (номи) қалин ҳарфлар билан ўртада ёзилади, унинг тагидан 1.0 интервалли қаторда ўнг томонда муаллифнинг тўлиқ фамилияси, исми-шарифи, илмий даражаси ва унвони ҳамда ташкилот номи кўрсатилади;

- фойдаланилган адабиётлар тезис матнида ҳавола (сноска) шаклида кетма-кет рақамларда расмийлаштирилади (1,2,3 ва ҳок.).

Тезисларни электрон шаклда тақдим этишда файл номида секция рақами ва муаллиф Ф.И.Ш. (*намуна: 1_Рахимов Р.Р.*) кўринишида бўлиши лозим.

Ташкилий қўмитага юборилган илмий тезислар экспертизадан ўтказилади. Экспертизадан муваффақиятли ўтган тезисларгина чоп этиш учун тавсия этилади.

Экспертиза натижалари фақат муваффақиятли ўтган тезис муаллифларига хабар қилинади.

Илмий ва техник талабларга мос келмаган тезислар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Ташкилий қўмитанинг электрон почта манзилига юборилган тезис, унинг муаллифи томонидан тезисни тайёрлаш талабларига амал қилганлиги ва розилигини билдиради.

Анжуман иштирокчиларининг маъруза ёки тақдимот билан иштирок этишлари ташкилий қўмитанинг хулосасига кўра белгиланади.

Анжуманга тезисларни топшириш бепул.